

Сиқилган табиий газ етказиб бериш юзасидан тузилган

ШАРТНОМА № 07

"20" ЯНВАР 2022 йил.

Жиззах шаҳри.

"JIZZAX AVTOGAZ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Л. Ш. Маматқулов амалдаги Низомга асосан, қуйида "Таъминотчи" деб юритилади ва Жиззах ВЧЛОТ СЭОВ ҶШБ раҳбари М.О. Умаров иккинчи томондан, кейинчалик «Истеъмолчи» деб юритилувчи ва биргаликда ушбу шартномани қуйидаги тартибда туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.**

1.1. «Таъминотчи» махсулот ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса ўз вақтида махсулотга пул тўлаб, ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олади.

«Истеъмолчи»

Махсулотнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Йил давомида етказилиши Жами	Шу жумладан			
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
Сиқилган табиий газ баллонли а/м лар учун	Куб/м	<u>8400</u>	<u>8400</u>			

1.2. «Истеъмолчи» автомобилларни газ баллонларини тўлдириб берилишини, «Таъминотчи» газ тўлдирувчи компрессор станциялари (АГТКШ) орқали амалга ошириб боради.

1.3. «Истеъмолчи»ни автомобилларини (АГТКШ) газ билан тўлдириб берилган кун таъминланиш бажарилган кун деб ҳисобланади.

**2. МАХСУЛОТ НАРХИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.**

2.1. Шартнома тузилган пайтдаги "Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳамда қўшилган қиймат солиғи" ҳисобга олинган ҳолда 1 куб/м газ нархи 2700 (УККЧ ИЧНЗ ЕТТЧ КФЗ) сўм бўлиб, умумий баҳоси 22680000 (Ушбу нарх УККЧ ИЧНЗ ОИТЧ КФЗ САКСОН ИЧНЗ) ни

ташқил қилади. Ушбу шартноманинг умумий сўммаси хомашё, материаллар, ёқилғи энергетик ресурслар нархи ошган сари ўзгариб боради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятининг норматив актлари ва қарорларида ўзгаришлар бўлган сари ҳам ўзгариб боради.

2.2. Хомашё, материаллар, ёқилғи энергетик ресурслар нархлари узгарган тақдирда улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи» учун 1 куб/м газнинг янги таннархи бўйича амалга оширилади.

2.3. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган газ миқдори учун ҳар ойлик тўловни ойма-ой олдиндан, 100% тўлаш мажбуриятини олади.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 2.3. банди ўз вақтида бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» томонидан автомобилларни газ билан таъминлаш тўхтатилади.

**3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

3.1. «Истеъмолчи» баллонли газ билан жихозланган автомобилларнинг техник ҳолати ва техник хавфсизлиги учун маъсулликни ўз зиммасига олади, шунингдек ёнғиндан сақлашга, санитария ва экологик хавфсизлик учун маъсуддир.

3.2. «Истеъмолчи»: а) амалдаги қоидаларни бажариш (техник шартлар, инструкциялар, низомлар) шарт.

б) баллонли газ жихозларини ва автомобилларнинг моддий соланган ҳолда сақлаб бориши.

3.3. «Таъминотчи» ҳар қандай жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Истеъмолчи»ни 3 кун давомида капитал таъмирлаш ишлари бўйича АГТКШ иш бошлагунга қадар 15 кун олдин хабар бериши лозим.



